

Гуноҳингиз кечирилишини хоҳлайсизми?



22:15 / 31.03.2018 5725

Ва фаҳш иш ёки ўзларига зулм қилганларида Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишини сўрарлар. - Гуноҳларни Аллоҳдан ўзга ким ҳам мағфират қиларди? - Ва билиб туриб, қилган ишларида бардавом бўлмаслар.

Маълумки, тақводорлик мўминларнинг олий даражаси ҳисобланади. Ҳозир ўрганаётган ояти каримамизда тақводорларга улкан даражалар ваъда қилинмаётир. Лекин ушбу оятда фаҳш иш ёки ўзига зулм қилган одамлар ҳам тақводорлар сафидан ўрин олиши мумкинлиги айтилмоқда. Бу нимага далолат қилади? Бу Ислом динининг бағри кенглигига далолат қилади. Бу Исломда инсоннинг табиатини ниҳоятда чуқур билиб, ўзига яраша муомала қилинишидан далолат беради. Инсон нима бўлганда ҳам, инсондир. Ҳаёти давомида турли қийинчиликларга, ифво ва чалғитишларга учрайди. Баъзи

вақтларда заифлиги тутиб, ҳавойи нафсининг сўзига кириб қўяди. Бундай пайтда дарҳол ўзига келиб, ояти каримада зикр этилаётгандек,

«...Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишини сўрарлар».

Хўш, буларга қандай муносабатда бўлиш керак? «Сен фалон ишни қилиб қўйдинг, бўлди, энди умидингни узавер», дейиладими? Йўқ!

Ислом тавба эшигини кенг очиб қўйган. Бандалиги, ожизлиги тутиб, баъзи гуноҳларни қилган бўлса ҳам, тақводорлар сафига қўшилиш имкони бор. Фақат бир шарти бор, у ҳам бўлса:

«...Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишини сўрарлар».

«... Ва билиб туриб, қилган ишларида бардавом бўлмаслар».

Ана шундагина улар тақводорлар сафига қўшилиш имкониятидан маҳрум бўлмайдилар. Аммо тавба қилмасалар ва билиб туриб, яна гуноҳларида давом этаверсалар, бу имконият уларга ҳеч қачон берилмайди.

Демак, бир марта, билмасдан ёки заифлиги тутиб, гуноҳ қилиб қўйган одам дарров тавба қилса ва гуноҳдан тўхтаса, шундагина тавбаси қабул экан. Бу қоида мағфират бобидаги барча оят ва ҳадисларга тегишлидир. Баъзи нафси бузуқ одамлар ўйлаганидек, оғзида «Тавба қилдим», деб қўйиб, қайта-қайта гуноҳ қилаверадиганлар бу ҳукмга кирмайдилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал розияллоху анҳу ривоят қилган ҳадисда
Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассалом:

«Гуноҳ қилган ҳар бир мусулмон яхшилаб таҳорат қилиб, икки ракъат намоз ўқиб, сўнгра истиғфор айтса, Аллоҳ албатта уни кечиради», - деганлар.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Тафсири Ҳилол китобидан)